



2014 йилнинг 1 апрелидан бошлаб, стандартлаштириш, метрология ва патент Давлат кўмитасининг тегишли сертификатига эга бўлмаган, “халол” белгиси билан белгиланган махсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш таъқиқланади.

Махкамада таъкидланишича, махсулотда “халол” сўзи кўлланилганда, махсулот ишлаб чиқарувчига “Халол махсулотни сертификатлаштириш коидалари”нинг AZS 757-2014 стандарти талабларини ҳисобга олиш мажбурияти юклатилади. Мазкур стандарт талабларига биноан, ишлаб чиқарувчи (шахс ёки корхона) Давлат кўмитасига мурожаат қилиши зарур.

Шуни ҳам илова қилиб айтиш лозимки, махкама томонидан кўйилган янги талаблар ўз махсулотларини белгилашда ушбу сўзни кўлловчи барча корхоналарга етказилди.